

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 7 dekabr • №49 (4240)

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ — ЁРУФ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Кадрли дўстлар!

Авалло, мана шу ҳашаматли ва бетақрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва меҳримни билдириш — мен учун катта бахт, десаам, қалбимда, юрагимда бўлган гани айтаган бўлман.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси — ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституцияимизнинг 21 йиллигини нишонлаш, Асосий қонуимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияимиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституцияимиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида "Ўзбек модели" деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделининг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда муҳасса топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодийни мафкурадан холи қилиш, қонуни устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи сифатидаги бошқарувчи ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим. Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шовша-шошарлик, турли инқилобий ўттиришлар йўли қандай аянчилик оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли ҳалқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни энг олий қадрият бўлган, қонуни устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши мумкин. Бунга ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислохотларимиз негизига турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонуни чиқарувчи, ижро этиш ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодий тизимда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қўллаб қонун ҳўжатларни қабул қилинган муҳим принципал аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунийлик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда тақомиллаштириб берилгани иқтисодий тизимни ислоҳ ва барқарор ривожлантиришда, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрнни тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун қулай ва устувор шароитларни яратиш борада эканимиз, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодий тизимнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолиимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи — ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришилаётган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, қимингдир бўйруғи ёки ҳоҳиши ҳисобидан бўлмайди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси — бу ислохотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, ҳалқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Такрор айтишга тўри келади — фақатгина

ҳалқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган "Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун", "Янги ўй қурмай туриб, эскисини бузмаган" деган машҳур шорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Азиз юртдошлар! Бугунги кунда Конституцияимиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг қўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бугунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта гуруру ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айна шу даврда қарийб 9,7 миллиарддан кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарама-қарши, мамлакатимиз яқин ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008-2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини қамдан-қам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг муносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал яқин даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи яқин ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаепти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳамми кўпайиб бормоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳамми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардга ёки яқин ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодиётимиздаги ижобий тарихий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозоридан талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демокдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобиль йўллари, юз минглаб ўй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашеси этказиб беришга мослашган, пахта яккахокимлиги ҳолати тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий сановат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди. Бунинг яқол тасдиғи — мамлакатимизнинг яқин ички маҳсулотни таркибидан сановатнинг улуши 1990 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига бугунги кунда 24,3 фоизни ташкил этгани, айна пайтда қишлоқ ҳўжалигининг улуши эса 34 фоиздан 17 фоизга камайганидир.

Биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги сановат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, энгил сановат, кимё, қурилиш материаллари сановати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё

бозоридан рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ўзининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало одамларимизнинг дунёқароши ва кайфияти, фикру эрки, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собик мустақил тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб воёга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустақам ўрн олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани аниқлатади?

Биринчидан. Бу амалий ишлар аввалданбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва ички ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг ҳалқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

Иккинчидан. Биз қўлга киритган марралар мустақил ривожланишнинг ўтган даврда ҳалқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва илчил илғирлаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан. Айна вақтда биз бир ҳақиқатни яқин англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муддаоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажайиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнат-каш ва олижанон ҳалқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмас. Ўзини айтинг, азиз дўстларим, қадрларим, биз мана шундай юксак марраларни қўлга кирита олармидик?

Фақат ҳалқимизнинг мардлиги ва матонати, жонқуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг беқиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини беради.

Бугун, мана шу юксак миқдордан туриб, сиз, азизларимиз барчангизга, сизларнинг тисмонингизда азму шижоатли, фидойи ҳалқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириб, таъзим қилишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар!

Ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга маҳўб бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан узилиб қолмаслигимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яқин тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамомангизда боришимиз, ўз истикболимизга очик қўз билан қараган ҳолда қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди.

Маъзур Концепция, моҳият эътиборига кўра, узок муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узилиб боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини тақомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.



ЎЗА олган сурат.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ВА ФАРОВОНЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

"Ўзбекистон" ҳалқаро анжуманлар саройида 6 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 21 йиллигига бағишланган тантанали йилгилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фах, маданият ва санъат намояндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва ҳалқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йилгилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали йилгилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимиз тараққиёти ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб келаётганини таъкидлади.

Конституцияимиз нормаларининг ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизда қарор топган тинчлик ва ҳамжихатликда, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар самарасида, одамларимизнинг ўзгариб бораётган онгу-тафаккурида, ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топишда.

Ушбу тарихий санани байрам қилар эканмиз, миллий давлатчилигимиз асосларининг мустаҳкамланиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг исчил ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши, мамлакатимизнинг ҳалқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи ортиши — буларнинг барчасида Асосий қонуимизнинг аҳамияти юксак эканлигини янада теран англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу кунда ҳалқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинди ва келгуси йилга

шунга мувофиқ ном берилди.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2013 йил Обод турмуш йили деб эълон қилинган эди.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида фуқаролик жамиятини ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини янада оширишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база тақомиллаштирилди.

Ҳалқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, маънавий шароитларини янада яхшилаш, янги ўй-жойлар ва инфратузилма объектларини қуриш, маҳаллаларни обод этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида комплекс чоратadbirlar амалга оширилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада юксалтириш, орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, ҳалқимиз янада тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бундай ишлар исчил давом этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2014 йилни мамлакатимизда "Соғлом бола йили" деб эълон қилишни тақлиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йилгиланлар томонидан гулдўрос қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

ЎЗА

ҲАЛҚЧИЛ ҚОМУСИМИЗ

Ҳалқимиз шу кунларда Ўзбекистон Республикасининг йилгиirma бир йиллигини кенг нишонламоқда. Озод ва хур Ватанинг борлигидан фахрланмоғинг, унинг жаҳон ҳамжамиятида ўз мустаҳкам ўрнини эгаллаётганини, дунёда нуфузга эга бўлиб бораётганини кўрмоғинг, ўзининг эса шу азиз Ватан фуқароси сифатида ҳис қилаётганингни нечоған фараҳли! Шундай ёруғ кунлар сиз билан бизга насиб этиб турибди, азиз ватандош!

Инсоннинг ҳаёти — бир мўъжиза. У — оламнинг кичик шакли. Шу сабабдан ҳам ҳар одамнинг ўзи бир олам, деган гап машҳур. Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" дostonида уни, коинотнинг тожи, деб атаган эди. Дунёда қандайки бир асар, у хоҳ тасвирий, хоҳ бадий, хоҳ муסיқий ва хоҳазо яратилган бўлсин, албатта, ушанинг бош мавзуси, моҳияти инсон ва унинг ҳаёти бўлиб қола беради.

Уша "коинотнинг тожи" бўлган инсоннинг яқин яшashi, турмуши, эркинлигини кафолатлашга, жаҳоннинг қаерида бўлмасин унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, у фуқаро бўлган давлатни устивор ва мустаҳкам этишга, бутун

мамлакатда тартиб сақлашга, ҳалқ манфаатларини қўллаб иш юритишга даъват этилган қонулар мажмуасини Асосий Қонун — Конституция деб атаймиз. Конституция — қонулар қонуну, у ҳаётимиз қомусидир. Президентни ҳам, Парламентни ҳам ҳалқ одил сайлов асосида сайлайди. Бу эса ҳалқнинг Президент ва парламент билан бирлигини таъминлайди. Шу сабабдан, мамлакатда фақат Президент ва парламент ҳалқ номидан иш олиб боради, фаолият юритади. Уларнинг ваколатлари Конституцияда белгилаб қўйилган.

Давоми учинчи саҳифада.

Давоми иккинчи ва учинчи саҳифаларда.

Адиба УМИРОВА

ЮР, ТОҒЛАРГА БЎЛАЙЛИК МАҒТУН



Кўнглинман — кўз юмиб кета олмаган,
Кўкдаги руҳингман, ердаги йўлинг.
Икки дунёда ҳам тарк этолмаган,
Икки дунёга ҳам бермаган гулинг.

Хали очилмаган ёруғ сирингман,
Бўйинидаги сиртмоқдек осилган сўроқ.
Хар нафас, хар лаҳза мени севмаган,
Мени соғинмаган бирор кунинг йўқ!

Энди, мени енгмоғинг душвор,
Сололмайсан кўнглимга шубҳа.
Йўлимдан қоч, босиб кетмай қор,
Тўхтаб тургин шамол бу дафъа.

Муҳаббатим оловдан баттар,
Нафратимдан қайтади тутун.
Шунча музлаб қолганим етар,
Яқин кела кўрма изгирини.

Осмон кўп ҳам қилмаган қаҳр,
Ер шошилма, эрта ражакишга.
Яшаш учун берилган умр —
Юрак ихтирослашган севинишга!

Қара, қандай сурурли осмон,
Бошимизда яшил чамбарак.
Таралмоқда ёниқ бир афсун —
Муҳаббатдан сўйлаб бер эртақ.

Ғамга тўлиб кетган юрагим,
Кўксингга бош қўйиб бўшатай.
Сенинг билан ёруғ тилагим,
Шоллигимни бирга бўлишай.

Йўлларимиз ёритсин қамар,
Юр, тоғларга бўлайлик мағтун.
Бизда вафо бўлмақ агар,
Бу дунёга ишонмоқ қийин.

Бел боғлайлик яна яшашга,
Ром этсин бу оламнинг завқи.
Бир умрга бахтли қилишга
Онг ичаман соф севгим ҳаққи.

Шалаладек туттин қўлимдан,
Хаёт каби муҳимдир сўзинг.
Нелар ўтмас инсон кўнглидан,
Борлигингга ишонтир ўзинг.

Момомдан қолган мерос — қанча тикаман тошиб,
Хар нақшнинг ўйиб-ўйиб олар юрак зоримни.
Тандирга нон ёпаман онмадек қўйиб-пишиб,
Болам эслаб юрсин деб доим бугдўзоримни.

Қанча полвон бўлса ҳам бу юрт учун шунча кам,
Қайси қиз бешик кучиб орзу-ҳавас қилмаган?
Бир қўлимда учрум, бир қўлимда қаламим,
Қитрилган тоғ отандан кун бутунча тинмаган.

Осонгина қўймасман ўзим ғамга олдириб,
Шунчаки сўз айтмасман, ғаним сарсон бировага.
Бир чавандоз ўстирай, ёни доғда қолдириб,
Юз гиркўхни толдириб олгани улоқ бўлсин.

Бобом баҳодир бўлган — қонимда бор ёвқурлик,
Лекин юрак дардимни раво кўрмам бировага.
Хали қанча дилдаги ёзилмаган шеърларим
Ватан шайнин улуглаш учун келар дунёга!

Мен сенинг ўзингдан кечмаган ёдинг,
Умрингни банд этиб қўйган аҳдингман.
Хали яшаб улгурмаган ҳаётинг,
Орзуларинггаги гўзал бахтингман.

Қай ерга борсан ҳам кўринар юзим,
Азобинг, армонинг, тилагингдирман.
Тилингни ловуллаб ёндирар исмин,
Ишқсиз яшолмаган юрагингдирман.

Абдулхай НОСИРОВ

БОБОЛАРДАН МЕРОС БУ ВАТАН

ЭЗГУЛИК АРКИ

Мен яна Тошкентни кезиб шибда,
Ўзда кўпиргидан ўтиб муқаррар.
Ёшлигим излаб-да хар тош, шибда,
Кўёш масканидан топдим хушхабар.

Хуррият майдонни кўкка кўтарган,
Эзгулик арки бу, қаршимда улду.
Саодат қушлари жондай ўраган,
Парвозга шайланган лайлақлар кутлуг.

Порлаган осмонга шундай хур қараб,
Гул қўйиб муътабар она пойнига —
Арчалар япроғин оҳиста тараб,
Чув делам, миниб-да хаёл тойнига.

Кеча-да туғ тутиб ўтган неча бор,
Бундан не зобитлар мажлабани қониб.
Минбарларга чиқиб борганлар қатор,
Пастдаги оҳларни эшитмай, тошиб.

Оғам деб ҳайқирган бўлдилар, тўғри,
Ўзглар тилида қўшиқлар айтиб.
Ога деганлари кас бўлди, ўғри,
Ўмариб борини, эл жонин қайтиб.

Шафқатлар юзига сочилиб қони,
Неча минг донишлар бўлиб-да шаҳид —
Юрт шаънини қўшқарга кўтарди шони,
Шу она тупроқини айлаб-да шохид.

Шуларнинг руҳига қўйиб кўш устун,
Бўйи-бастрларини айлаб кўп азиз —
Замонини кўтарди шарафлаб бутун,
Шарафлар дёғрини айлаб ҳўп туқис.

Зотан қўёлмаган ҳеч бир жаҳонгир,
Устун қўёлмаган чорлаб шибда.
Эзгулик устунини тиклаб посдон пир,
Танитиб қўйдан-да халқим дунёга.

Мен битта томири яраб қорига,
Кифтинга олай деб битта қошини —
Келдим-да айлаб бахтиёрнига,
Қўйгандай бўлдим-да битта тошини.

Қарасам, минордай хар улкан устун,
Бош қўйиб истиқбол дарвозасига —
Кўнглимни айлади тагин-да бутун,
Жўр айлаб истиқбол овозасига.

Болам, боболардан мерос бу Ватан,
Меросни асрамоқ элнинг удуми.
Мен ҳам обод қилиб уни қайтадан,
Сенга узатсам қалбим ўтини.

Бобом қулоқларга эришган чоғи,
Жигари ситалиб, қони оққанда,
Қовжираб қолган-да қўйиб чорбоғи,
Мўлтираб ортига бир бор боққан-да.

Отам жангоҳларда олов кечганда,
Она юрт шарафини билиб муқаддас.



Ватан жафолардан қонлар ичган-да,
Ватан соғинчлардан бўлиб чўг-оташ.

Болам, боболардан мерос бу Ватан,
Меросни асрамоқ элнинг удуми.
Ошпоқ лайлақларини чорлаб қайтадан,
Сенга узатсам қалбим ўтини.

Сен ҳам обод қилиб уни тагин ҳам,
Истиқбол қўрғонини бандлаб тагин.
Болаларга туттин тинчу хотиржам,
Кўкларга кўтариб озолик туғини.

Гулинг бўйларини ҳис этиб кўнглим,
Баҳорга айланди айвонларимиз.
Хинали қўлшифта тегдино кўлим,
Қўшилиб кетгандай райқонларимиз.

Юзимга босганда оловлабим нур,
Юзимни, қўлларинг, билмадими ҳур.
Ўтганиб, меҳрли сийловлабим хур,
Элтиқиб ўзимга келмадими ҳеч.

Хинадан ранглабим юзу кўзларим,
Кўксимга босдим ва жоним, ўзларин.

Зулфингни ўйнаган бармоқларим бу,
Қарагин, қанчалар хўрсанглигини.
Чалгани жарангдор кўрсанглирму
Ойни ҳам уйотиб кўрганлигини.

Шодликдан мажнунтол бошини этиб,
Сув узра ёйибди қокилларини.
Сен эса титраган тизиларини букиб,
Кўксимга ташладинг тўлқинларини.

Музли ерда аввал отнинг дупур-дупури, кейин қаттиқ кишнагани эшитилди. Маст уйкуда ётган Махмуд полвоннинг кўзлари бирдан қарақлаб очилиб кетди. Узок-узоклардан Қоратўшининг кишнагани эшитилгандек бўлди. Полвон ирғиб ўрнидан турди. Эгнига чопонини илганча, пайпаслаиб бўсақада турган этини қидирди. Апил-тапил пайтавасини оёғига ўради-ю, ташқарига ўқдек отилди. Аччиқ изгирин юзини, баданини чимчилаб олгандек бўлди. Шунда чопон устидан белбоғ ўрамай чиққани эсига тушди. Аммо уйга қайтиб киришга сабри чидамай, чопони барини яловдек ҳалпиратганча отхона томонга югурди. Музлаган ерда тойгона-тойгона отхонага етиб боргач, ланг очик эшикни кўриб, юраги шув этди.

— Қоратўш! — деди оти шу ерда юргандек афрога аланглаб.
Аммо атроф сокин эди. Гўё полвоннинг ёллар кўёш нурида товланган қизғиш танли оти бўлмагандек, ингичка ва узун-узун оёқларини осмонга гажак қилиб кишнаганда бия отлар кулоғини динг қилиб, бу садога қулоқ тутмагандек. Полвон девордаги миҳга илган қамчини олди-ю, ланг очик дарвозадан ўзини ташқарига урди. Бўғизига тикилган муштдек аламини араг ютиб телбавор югураркан, Қоратўшини қаердан ва қандай излашни билмасди. Полвон шу қўйи тонгача қишлоқни изғиб чиқди.

Тоғ бошидан қўёш мўралади. Полвон худди бор-будидан айрилган телбавор кимсадек югурди-югурверди. То қор босган тепаликларга тирмаша-тирмаша ҳансираб қолгунча тиним билмади. Назарига, тонг сукунатини титратган нолали кишнаш айнан шу қар-соқов тепаликлар бағридан эшитилгандек эди. У от тўёқлари изидан мўлжаллаб яна юрди. Аммо энг катта тепаликка яқинлашган, бирдан изни йўқотди. Катта юк машинаси гилдирагининг ботиқ изига кўзи тушганда, юрагидан нимадир узилгандек, қор устига ўтириб қолди: "Демак, Қоратўш юк машинасига ортиб кетилган!". Сўнг худди машина изидан барча сир-асрорни билиб оладигандек унга синчилаб термилди. Гилдирак изларининг учтаси бир хил — кутча шаклида, аммо тўртинчиси арчасимон эди. Демак, машинанинг учинчи гилдираги бошқача.

— Қоратўш! — деди энг баланд тепаликка чиққан, пешонаси ва юзлариди рез-реза терни қафти билан сидириб. Унинг назарида Қоратўш машинадан тушиб қочган, қайси бир арча дарахтининг остиде тургандек туюларди. Аммо носаси қорли далалар узра сингил кетди. Оппоқ чопонга бурканиб олган дама-туз тинчимни бузма, дегандек, боқма-беғамларча ҳўрайиб, ястаниб ётарди. Полвонга алам қилиб кетди. Тўёқларидан ўт қанқайдиган шундай оти йўқолса-ю, бутун борлик ҳеч нарса бўлмагандек, бемалол мудраб ётса-я...

— Лаънати! — деди у бор овозда бақириб.
Терадиклардан сад қарида аяқор билан келиб турган тоғу тошлар акс-садо берди:

— Лаънати, лаънати...
Полвоннинг назарида, ҳақорати ўзига қайтиб келгандек бўлди. Беихтиёр кўзларидан сизган икки томчи ёш ёноқларини кўйдирди. Қоратўшининг топилишидан ҳали умидини узмаган бўлса-да, аммо ич-ичидан тошиб келаётган алам унинг бутун борлигини кўйдирди, нарк юрагига олов пурқайгандек эди. Полвон шиддат-ла пастга қараб югурди. Тепаликдан қиялатиб тошиш лозимлигини ҳам унутиб, бошига тош бошлангандек пастга оғиб кета бошлади. Энди тўхташга минг чандон уринса-да, бунинг сира иложи йўқ эди. Тепалик бағрига пардек қўнган қорларни тўзғитиб, бир қуон мисол пастга учиб борарди. Агар шу тарзда қулса, сойликдаги қирра тошларга урилиб, вужуди тилка-пора бўлишини билиб, ўзини орқага ташлади. Қор тўзонлар хар томонга тўзғиб кетди. Белбоғсиз чопони тепага сидирилиб, оловдек ёнаётган вужудига муз парчалари жазиллаб ёпишгандек бўлди гўё. Аммо полвон парво қилмади. Қоратўш бўлмагандан кейин оловда жизганак бўлмайдими вужуди?..

Полвон кечга қадар Қоратўшни қидириб, ҳеч жойдан тополмай шалверга қишлоғига кириб келди.

"Нима бўлди, нега бундай девонаваш бўлиб юрибсан?" дея сўраган ҳамқишлоқлари ва таниш-билишларига лом-мим демади. Чўки у "Отим йўқолди", дея арз-дод қилишни "Хотиним йўқолиб қолди", деган гап каби ор деб биларди. Раҳматли бобоси ҳам "Эркак киши хотини билан отини мақтамайди", деган гапни бот-бот қороларди. Шу боис Қоратўшининг исзис йўқолгани полвоннинг ичиде қолди. Ҳатто хотини ва бола-чақасига ҳам лом-мим деб оғиз очмади. Эрининг телбавор юрганчи ўзинча тўсма ол қилган хотини бир кун қайнонасининг олдига маслаҳат сўраб борди.

— Ўғлингиз отини йўқотиб, тентак бўлай дегяпти, сиз беҳабар юраверинг, — деди кўздан шашқатор ёш оқизаркан.
Ёши тўқсонга бориб қолган бўлса-да, тик қоматли, дадил ва кесиб-кесиб гапирадиган Тиниқ момо аввалга келинининг гапларини кош чимириб тинглаб турди. Чамаси, унга келинининг арз-доди ёқмади. Бургут қараш қилиб туришидан "Гапир-а, гапир, ичингда қолмасан", деган маънони ўқиб қийин эмасди.

— Кўзингизнинг сувини оқизиб бўлдингми? — деди кампир ахирини келини жим бўлгач.
Келин эса қайнонасининг қитиқ-патиға тегиб қўйганини сезиб, бошини елкалари ичига олиб, ерга қаради.

— Хе, бетингни кучек есин сенинг, — деди Тиниқ момо унинг айборларча бош эгиб турганидан баттар тутакиб. — Полвон тентакдек юрган бўлса, сенинг кўзинг қаёқда эди? Бир эрини кўнглини кўтаролмасанг, аён бўлиб нима қилиб юрибсан?! Елкангада кўтариб юрганинг каллами ё қадди?

— Мен нима қилай? — деди боягина овози қаттиқ-қаттиқ чиқаётган келин айб иш қилган боладек араг шивирлаб.

У қайнонасининг энди қариб қолган, деб ўйлаб эҳтиётсизлик қилиб қўйганидан тилини тиллашган, ҳалиям шашти баланд кампирнинг ваҳоҳатини кўриб, бургутдан пусган полапондек бирдан попуги пасайиб қолганди.

— Мингирламай қаттиқроқ гапир, — деди кам-

пир баттар жаҳл отилай миниб.
— Мен нима қилай дегим?
— Дард қил, бало қил! Қани, олдимга туш-чи! Тиниқ момо даст ўрнидан турди-ю, келинига парво ҳам қилмай, қўлини орқасига қилиб, қаддини гоз тутганча дарвоза томон юрди. Келин билмасдан тилига эрк бериб қўйганидан юраги пўкиллабгина унга эргашди.

Қайнона-келин олдинма-кейин уйга кириб келганда полвон чўян печканинг ёнида кўкрагини ерга босиб, миқ этмай ётарди.

— Ха, полвон бундайгина, — деди Тиниқ момо эшикдан кираркан, ўғлига таънали боқиб.

— Келинг, она, — дея полвон онасига салом бериб, қаддини кўтарди-да, кўрпачага чордонга кўриб ўтирди.

— Эри ўлган хотиндек тумшайиб олибсиз... — деди Тиниқ момо юзига фотиҳа тортаркан, ўғлига ўқдек кўзларини қадаб.
У ўғли давраларда товоқ олиб кураш тушадиган бўлганидан бўён уни "сиз-сиз"лар, эл журмат қилиб, тан олган полвоннинг онаси бўлса-да, селнашли ўзи учун уят деб биларди. Аммо ўғлининг хозирги туршиши унинг жаҳлини қижарётганди. Ким айтди бунинг полвон деб? Бир отга шунча азами? Кампирнинг назарида, ўғли сира ўзига ўхшамаётгандек эди. Унинг ана шундай аёлмижоз бўлиб, уйга қамалиб ўтиришида негадир келинини айбдор деб билар. "Алоҳида кўчиб чиқди, деб бунинг жиловини қаттиқроқ тортадим-да", дея ўз-ўзидан ҳам домангир бўлиб қўйди.

— Биров ўлдими ё? — ўғлининг ҳамон ерга қараб тумтайиб ўтиришидан тутакиб кетди кампир.

— Ким ўлади, она? — деди полвон араг бошини кўтариб.

Гулрух ЁРМАТОВА

ТИНИҚ МОМО

— Менам шунга ҳайронман. Отангиз кўкариб чиққанига йигирма йилдан ошиб кетди. Менинг эса ҳали ўлиш ниятим йўқ.

Онасининг кескин-кескин гапидан унинг жаҳли чиқаётганини сезган полвон бироз қаддини кўтарди, онасидан уялди. Отаси вафот этган, ҳам ота, ҳам она бўлиб қатта қилган онасида бир эркакнинг кучи ва феъли бор эди. Турмушининг муштлари елкасини моматлақ қилганда ҳам "Эрим йўқ, қийналдим", дея бировга нола қилмади, кўз ёшини дўст-душманларига кўрсатиб юринини ўзи учун ор деб билди. Дангаллиги, таътилиги учун Тиниқ момони барча қишлоқ ахли хурмат қилар ва шу билан бирга бу аёлдан ҳайқиб ҳам туришарди. Гийбат қиладиган энг гийбатчи хотинлар ҳам Тиниқ момога гал келганда тилини тиллаб қоларди. Чўки ноҳақ гапни эшитса, аёл чидаб туролмас, ўша гийбатчини гапирганига пушаймон қилдирмагунча кўнгли жойига тушмасди. Одиллиги учун бўлса керак кўпчилик ундан маслаҳат сўраб келар, оилавий масалаларда ҳам унга суянишарди. Катта ўғли-ку, кампирнинг гапига қулоқ тушмай, ўз суяганига уйланди. Аммо ўртанча ўғил Махмудни уйлантираётганда кампир жонбозликини кўлига олди, эринмай қиз танлади.

Ахирини шу теғирмончининг қизи Гўлбаҳорга тўтаганда полвон ҳам майл билдириди. Катта келини ўғли билан шаҳарга кўчиб кетгани боис кампир унга қайноналик қилишга улгуролмаганди. Аммо Гўлбаҳорга астойдил қайноналик қилди. "Ғах" деса, қўлига қўнадиган бўлганидан сўнггина алоҳида уйга кўчириб юбориб, кенжасини уйлантирди. Кампир "Гўлбаҳорни ўз тутимимга ўргатдим", деб эрта суяонган эди. Мана, йил тўлмай, келинининг жилови бўшаб, тили икки қарич ўсиб кетибди. Ҳаммадан ҳам кампирнинг дилига хозир келинининг мана шу қилиги озор бераётганди. Ўғлига гапирарди-ю, кўз қири билан келинига қараб-қараб кўяр, афтидан, уни қақиб олишга баҳона тополмаётгандек эди.

— От йўқолган кучи сен қаерда эдинг? — деди ахирини кампир келинига ғазаб билан тикилиб.

Келин шу қарашнинг ўзидаёқ адоий-тамом бўлди.

— Уйдайдим, — деди ерга боқиб.
— Уйда бўлсанг, эринг от қидириб уйдан чиқиб кетади-ю, сен билмайсанми? — унинг жон еридан ушлади кампир.

— Мен нариги уйда болалар билан...
— Ҳимм, — лабларини истеҳзоли жийдирди кампир. — Полвоннинг бир ўзини якка уйга айириб қўйгандим, де...

Онасининг гапидан полвоннинг ори келди: — Ундай эмас, мен ўзим...
— Хотинларнинг гапига аралашма сен, — унинг сўзини шарт кесди кампир. — Хотинининг тарафини ола-ола, ўзингга хотинга ўшаб қолибсан.

— Она! — полвоннинг кўзларидан чўғ сачраб кетгандек бўлди.

— Онанг ўлиб, онасиз қол, илоийм. Сени шундай мумсиқ қилиб тарбиялаганмидим? Ким айтди сени Ботир полвоннинг ўғли деб? Бир отга шунча азами?! Кўтар ўмганингни, эркакимсан ўзи?

Полвон беихтиёр онасига бақириб юборди: — Она, ёнган юрагимга олов пурқаманг сиз ҳам! — Нима қилай? Сенга ўшаб уйга қамалиб азам очиб ўтирайми?! Отинг йўқолган экан, бундай оғанингни хабардор қилмайсанми, биргаллашиб қидиришмайми?! Ақа-уқани нимага туғди она? Бир-бирига паноҳ бўлсин дебми?!
— Отим йўқолди, дейишга ор қиламан, она, билдингизми, ор қиламан! Бобом раҳматли "Эркак киши оти билан хотини ҳақида гапирмайди", дерди. Мен ҳам шу боис чор қўчага жар солгим келмади.

— Манави аза очиб ўтиришинг-чи?! Ор қилмайсанми шу турчиингдан? Отини гапиршига уялган одам унинг учун аза тутишдан уялмайди-ми? Шу турчиинг бир хотини деб тарки дунё қилган тентакни эслатайдими?! Йўқолган нар-

сага ачинишни қимдан ўргандинг сен? Худо "Мана сенга", деб жонингни ё фарзандингни олса, нима қилардинг?!

Тиниқ момо яна анча гапирди. Жонга қамчи соладиган гапларидан келинини ҳам беҳабар қўймади. Келин ерга қараб пиқ-пиқ йиғлади, полвон уф тортиди. Сўнг кампир қандай келган бўлса, шундай кетди. Аммо онасининг ташрифи полвоннинг кўзларини ярқ этиб очиб қўйгандек бўлди. Қулоғи остиде "Отини гапиршига уялган одам унга аза тутишдан ор қилмайдими?!" деган гаплари ҳамон жаранглаб тургандек эди. Бирдан кўксини аёвсиз гижимлаб ётган оғриқ тарқалгандек бўлди. Онаси унинг айнан юрагига малҳам қўйиб кетгандек эди...

Эртаси кўни полвон худди узок уйқудан уйғонгандек илқис ўрнидан туриб, дераза оша ҳовлига назар солди. Болалари чугур-чугур қилиб айвонда ўйнаб юришарди. Хотини эса ўз юмуши билан банд. Уй бурчагиде нима-нидир ўзича ўйнаб ўтирган уч ёшли ўғли аҳён-аҳёнда отасига қараб-қараб кўяр, афтидан, отасининг бундай қайфидан боланинг қандай озурда эди. Полвон бир-бир босиб, оти йўқолгандан бўён ёнига яқинлашолмаётган ўғилчисининг олдига борди ва уни авайлабгина тиззасига ўтказди. Беихтиёр Қоратўш билан ўғлини таққослади. Агар Қоратўшнинг ўрнига ўғли йўқолганда нима бўларди? Миёсига келган бу ноҳуш ўйдан товонгича музлаб кетди. Сўнг худди ўғлини биров ундан юлқиб оладигандек, қаттиқ бағрига босди, сарғиш сочили бошидан меҳр билан ўлди. Болакай эса ана кундан бўён бошқача бўлиб қолган отасининг яна аввалги холига қайтганидан ўзида йўқ шод эди.

— Ота, отга миндирасиз-а? — деди отасининг ярадор юрагига тегаетганини сезмай.

Полвон яна маъусланиб қолди.
— Қоратўшга миндириг, ота, — деди болакай баттар хархаша қилиб.

— Қоратўш энди йўқ, ўғлим.
— Нимага, бўри еб қўйдими? — деди ўғли хавотир билан.

Боланинг соддадиллигидан полвон беихтиёр қилиб юборди.

— Ха, еганда ҳам оқ бўри еди, — деди ҳўрсиниб.
— Энди нима қиламиз?
— Энди от бўлиб ўзим сени миндираман.

Полвон шундай деб чўкка тушди-да, елкасини ўғлига тутди. Болакай хурсандлигидан сакраб, отасининг елкасига тирмашди.

— Уре, отам от бўлди, — деди унинг қулоқларидан тортиқлаб.
Шу пайт эшик очилиб, уйга Махмуд полвоннинг катта акаси Мурод кириб келди.

— У-ху, отнинг зўридан топибсан-ку, — деди жижанга ҳазил қилиб.

Полвон ақасини кўриб, ўғлини елкасидан тўширди. Сўнг у билан қўл бериб кўришди.

— Отинг йўқолиб, ўзинг от бўлиб ётибсанми дейман, — деди акаси Беғарз жиймайиб.
— Юрагимни тирнаманг, ака, — деди полвон қовоғини солиб.

— Юрагинг тирналмасин, Қоратўш топилди!
Полвон ақасининг чин ёки ёлгон гапирётганини англолмай, бироз анқайиб турди. Сўнг уни ҳазил қилаяпти, деб ўйлади, шекилли, беҳафсала қўл силтади:

— Қўйинг, ака, устимдан кулманг.
— Тентак бўлиб қолибсан. Шунча йўлдан сени устингдан кулиш учун келдимми? Қоратўш топилиб, рост, нега ишонмайсан?!

Ақасининг гапидан полвон бироз таралдулланиб қолди.
— Алдамайсанми? — деди яна ишонгиси келмай.

</

Тақдирини театр сахнаси билан бовлаган ҳар бир актёр ҳаминша ўз ижодини сарҳисоб қилишга эҳтиёж сезади. Буни табиий жараён сифатида баҳолашга ўрганиб қолганмиз. Ваҳоланки, эришган натижаларини сарҳисоб қилиш актёр учун ўзига хос мураккаб снов эканини унутмаслик лозим. Чунки «Мен санъатда қандай йўлни босиб ўтдим? Саҳнада биро салохиятимни намойиш қилишга эришдимми?» каби саволлар актёр қалбини ҳеч қачон тарк эмайди. Уларга жавоб топиш учун эса вақт талаб этилади.

Муқимий номидаги ўзбек давлат музыкали театридаги қарийб қирқ йиллик ижодимга назар солар эканман, аввало, фахр туйғусини ҳис этаман. Негаки, Лутфихон Саримсоқова, Раззоқ Хамроев, Эйтибор Жалилова, Сойиб Хўжаев, Фароғат Раҳматова каби ўз даврининг етук санъаткорлари ижод қилган паллада театр остонасига қадам қўйдим. Бу мени ижодкор сифатидаги бахтим. Устозлардан олган сабоқларим санъатда ўз йўли-

сидаги Мастура сатанг образи катта шухрат қозонгани учун ҳам бу ролни яна уларга тақдир этишди. Бироқ ая «Энди ёшларга ўрин бериш лозим», деб бу ролдан воз кечди. Менга «Паранжи сирлари»даги Холисон роли топширилди. Табиийки, Лутфихон аядан маслаҳат олиш учун уйларига бордим. Бу ролни ижро этишимни эшитиб жуда хурсанд бўлдилар. Спектакл саҳналаштирилганига анча вақт ўтган бўлса-да, Мастура сатанги ҳам,



Ҳар бир ижодкорнинг эришган ютуқлари билан бир қаторда орзулари ҳам бўлади. Айниқса, бизнинг авлод ижодкорлари учун шўро тузумидаги мафсуравий қобилқарни ёриб чиқиш осон бўлмаган. Сабаби, миллий

УСТОЗЛАР САБОФИ ҚАНОТ БЎЛДИ

ни топишга, актёр ва хонанда сифатида эл назарига тушишимга имкон берди.

Ихзор

Болалик чоғларимдаёқ қўшиқчилик санъатига иштиёқим баланд бўлган. Бунга оиламиздаги ижодий муҳит катта таъсир қўйган. Отам Муҳаммадхон Юсупов «Сар-чашма» ансамблининг асос-чиларидан бири эди. Менинг ижоддаги илк қадамларим ҳам айнан шу ансамбл билан боғлиқ. 1975 йили Санъат институтининг музыкали драма бўлимига ўқишга кирганимдан сўнг Муқимий театридаги ижодий фаолиятим бошланди.

Театрдаги устозларим орасида, албатта, Лутфихон Саримсоқова номи алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. У кишининг лафзидан айтилган «Вой тиниб-тинчамагур одамлар-ей! Нималарни ўйлаб топишмайди-я» деган сўзларнинг қанотли иборага айлиб кетганини ким билмайди. Актриса сиймоси ҳаётлик чоғидаёқ барча театр ижодкорлари учун намунага айлишни замирида катта ҳикмат бор. Хатто бугун ҳам санъаткор томонидан яратилган меҳри дарё ўзбек оналарининг бетакор қиёфалари халқимиз учун ўрнак сифатида хизмат қилмоқда.

Лутфихон Саримсоқова ёш ижодкорларни ҳам доимо қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилган. Ая мени ўз қизларидек яхши қўрарди. Саҳнада илк ролларимни ижро этишимда ҳам уларнинг хизматлари катта бўлган. Шу ўринда бир воқеа ёдимга тушади. Театримизда Ҳамзанин «Паранжи сирлари»ни қайта саҳналаштиришга қарор қилишди. Лутфихон аяга ижро-

Холисонни ҳам менга ўзлари ижро этиб кўрсатдилар. Кейинчалик саҳнада Холисон образини яратиш чоғида устозим сабоқлари менга катта қўмак берди. Айниқса, ая ижросидаги оналар образини томоша қилганимда кўз ёшларимни яшира олмасдим. Лутфихон аянинг ижро услуби актёр сифатида шаклланишимга катта таъсир кўрсатди. Мен ҳам саҳнада ва экранда қўллаб оналар образини яратишга эришдим. Баъзида мухлислар «Сизнинг ижроингизни кўриб Лутфихон Саримсоқова ёдимизга тушди» деб айтишди. Эҳтимол, баъзи актёрлар бундан салбий маънода тушуниши ҳам мумкин. Бироқ мен бундан эътироф сифатида қабул қиламан.

Устозларим маслаҳатига кириб, уларнинг йўлини тутганим учун ҳам ижодкор сифатида бор салохиятимни намойиш этишга эришдим. Ўзим орзу қилган деярли барча ролларини ижро этиш насиб қилди. Улар орасида «Мавлоно Муқимий», «Нурхон», «Лайли ва Мажнун», «Тоҳир ва Зухра», «Аршин мол олон» каби спектакллардаги ролларим ижодимнинг зарвақларига айланди. Актёрликдан ташқари, хонандалик соҳасида ҳам ижодий ютуқларни қўлга киритдим. Навоий, Оғахий, Зебунисо каби мумтоз шоирларимизнинг газаллари асосида яратилган ашулалардан тортиб қўллаб халқ қўшиқларининг ижросисига айландим. Мазкур ижод намуналари бугунги кунда «Ўзбекистон» радиосининг олтин фондидан жой олган. Бундан ташқари, актёр сифатида танилишимда телевизион филмлардаги ролларим ҳам катта аҳамиятга эга бўлди.

маданиятимизнинг барча соҳалари қатори театр санъати ҳам турли чекловлар исканжасида яшарди. Шу туйғулари ҳам истиқлол даври ёшларига ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Бугун улар ўз ижодий имкониятларини намойиш этишлари учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, театр йўналишида таълим олишни мақсад қилган ёшлар учун мамлакатимизда кенг имкониятлар мавжуд. Яқинда, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти учун барпо этилган янги ўқув биноси, театр студияси, у ерда яратилган шарт-шароитларни кўриб хайратимни яшира олмайман. Дунёнинг қўллаб малакатларида ижодий сафарда бўлганман, аммо бундай санъат олийгоҳини ҳали кўрмаганман.

Мамлакатимизнинг бош қомуси — Конституциямизнинг йигирма бир йиллиги арафасида Президентимиз фармонида кўра тақдирланган бир гуруҳ ижодкорларга муқофотларнинг топирилишида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, конституциямиз биз учун ижод эркинлигини таъминловчи қонуний асос саналади. Шу ўринда менинг меҳнатларим ҳам давлатимиз томонидан юқори баҳолиниб, «Ўзбекистон халқ артисти» деган юксак унвонга муносиб топилганимдан хурсандман. Аввало, биз ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатиб келаётган Президентимизга миннатдорлик ихзор этмоқчиман. Менга билдирилган юксак ишонччи оқлашга, нафақат ижодкор, балки ёшларга устоз сифатида ҳам ўзбек миллий театри ривожига ҳисса қўшишга ваъда бераман.

Одина НАРЗУЛЛАЕВА, Ўзбекистон халқ артисти

СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ТУЙГУЛАР

Касб танлаш жараёни ҳар кимда турлича кечади: кимдир қизиқиб, кимдир тақдир тақозоси туйғулари, бошқа биров аждодларининг ҳунарини давом эттириш мақсадида бирор соҳа вақлига айланади. Асосийси, шу касбда ўзини тасаввур қилиш, уни эп-лашга кўзи етиши ва астойдил шуғулланишдир. Бахтиёрнинг эса сурат чизишга қизиқиш қонида бор.

Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, «Халқлар дўстлиги» ордени совриндори рас-сом Бозорбой Серикеевнинг тўққиз фарзанди орасидан кенжаси — Бахтиёр санъатга меҳр ва қизиқиш билан улғайди. У болалигидан кўзига чиройли кўринган нарсани ё қоғозда, ё тупроқда тасвирлагиси келарди. У отасининг ҳар бир ҳаракатини кузатиб, турли ранглارни аралаштириб, лойдан ясаган ҳайкалчаларини бўярдди. Отаси фарзандидаги инти-лишни кўриб, йўл-йўриқ кўрсатди. Ота касбига бўлган ҳавас аста-секин орзуга айланиб, Бахтиёр Қорақалпоғистон тасвирий ва амалий санъат лицей-интер-натига ўқишга кирди. Бу дар-гоҳда устози Женис Лепесов унинг касб танлашда адаш-маганини таъкидлаб, турли қўшимча машғулотлар ўтиб, соҳага янада қизиқтирди. Ана шу қизиқиш ёш истеъдод со-ҳибини пойтахтимиздаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига етаклади. Ҳозир у тасвирий санъат факултети-нинг магистранти.

Институтда ўқиш билан бирга, устозлари ўғити ва маслаҳатидан илҳомланиб, улардан ибрат олиб, ижод оламига шўнғиди. Устозлари тўғрисида сўз кетганда Ўзбекистон халқ рассомлари Акмал Нур, Бахо-дир Жалолов, Жавлон Умарбеков номларини фахр билан тилга ола-ди. Айниқса, устози — Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Собир Раҳметов асарларида замон руҳи, Шарқ ва Фарб аънавалари ўзига хос акс этганини таъкидлайди.

Санъат остонасига илк бор қадам қўйганимда руҳий далда берган отам, шунингдек, устозим Собир Раҳметовдан миннатдорман, — дей-ди Бахтиёр. — Уларнинг беминнат маслаҳати билан суратларимдаги ҳатоларни тузатиб бораман, улар янги асарлар яратиш ва изланиш-га даъват этиб туришади. Агар ҳар бир расмом ўз услубига эга бўлса, яшаб турган даври ва атрофдаги-ларга нисбатан илғор фикрли

бўлса унинг асари вақт ғалбирдан ўтиб, тарихда қолади. Бундай хусу-сиятлар устозлар кўмағида янада мустақамланиб бораверади.

Б.Серикеев бакалаврлик ишига ўзи истиқомат қиладиган ҳудуд эко-логиясини мавзу қилиб олди. Унинг фикрича, кишиларни огоҳликка, хушёрликка қорлайдиган суратлар чизиш — бугунги кун талаби. Сурат орқали бирор муаммо кўтариб чи-қилганда унга ечим топиш учун таъ-сирли деталлар ва ранглardan фой-даланиш ҳам катта маҳорат.

— «Орол — менинг дардим, ме-

даги умидворликни кўпчилик беъ-тибор қолдирган деталлар орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Кемадан ечиб олинган чироқнинг хануз ёниб туриши, чиройли келин-нинг ҳомиладор ҳолида, балиқ ови-га кетган турмуш ўртоғини кутиши ҳаёт давом этаётганидан далолат. «Кемалар қабристони»даги кемалар ичида бир кушнинг ин қургани ва икки поланонини ўстириш учун тўрт томонга учиб дон-дун излаётгани, қўлга чанқоғини қондириш учун ке-лаётган кийикларнинг Ватанга му-

Натуроқ

ҳабати, уни тарк этмай, бардош би-лан яшаётгани жуда таъсирчан тас-вирланган. «Агар чизган суратингиз-да муҳаббат, нафрат ёки дард сези-либ турмаса, у оддий, бир зумда олинган фотосуратдек бўлиб қолади, — дейди Бахтиёр. — Ҳар бир суратда, аввало, муал-лиф ички кечинмаларининг акси бўлиши шарт».

Ўз ижодига нисбатан талабчан ёш расмом қисқа фурсатда яхшигина ютуқ-ларни қўлга киритди. 2005, 2007- йилларда Нукус ша-ҳрида шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Юртимизда ўтказилган санъат ҳафтали-ларида, турли танловлар ва кўргазмаларда муваффақи-ялари қатнашиб совринли ўринларни қўлга киритди. «Ёш иктидор эгаси», «Буёқ ва муқаддасан, мустақил Ватан», «Экология ва ёшлар», «Ўқитувчи ва ўқувчи» каби танловлар бунинг далилидир. Бу йил эса Бахтиёр фаол ва истеъдодли ёш ижодкор сифатида «Институт фаҳри» деган номи қўлга киритди.

Бахтиёр Серикеев шу кунларда ўзи ўсиб улғайган, бетакор бола-лик давларини бағрида сақлаган, ҳар кўрганида қалбида ширин хо-тиралар уйғотадиган ҳовлиси тас-вири устида ишлаяпти. Шунинг-дек, инсон психологиясини акс эт-тириш имконини бе-рувчи портрет йўнали-шида ҳам ўзини синиб кўрмоқчи. Ёш расмом-нинг изланишлари бардавом бўлишига тилақдошимиз.

Меҳригёҳ БОЗОРОВА



Натуроқ.

БЕТАКРОР МАДАНИЯТИМИЗ ХАЗИНАСИ

Ёшларни она юртга муҳаббат, азалий қадриятларимизга ҳур-мат руҳида тарбиялашда музей-ларнинг ўрни беқиёс. Зеро, му-зейларда аждодларимиз тафак-кури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошбузу ва битик-лар, нодир қўлёзмалар, тарих, адабиёт, санъатга оид ноёб осо-ри атиқалар сақланади. Улар орқали ёшлар улғў аждодлари-миз ҳаёти, Ватанимиз ҳудудида кечган воқеа ва ҳодисалар ҳақида қимматли маълумотлар-ни олиши мумкин.

Шу ўринда мустақиллик йил-ларида мамлакатимизда музей-лар фаолиятини ривожланти-ришга қаратилган кенг қўлами ишлар амалга оширилганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Пойтахтимиз ва вилоятлардаги ўндан зиёд музейлар, хусусан, Теурийлар тарихи давлат музейи, Каттагон қурбонлари хо-тираси музейи, Термиз археоло-гия музейи, Олимпия шон-шух-рати музейлари ташкил этилди. Ўтган йиллар давомида Ўзбеки-стон давлат табиат музейи, Ама-лий санъат музейи, давлат Санъ-ат музейи, Маданият ва санъат кўргазмаси, Наманган ўлкашу-нослик музейи, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек музейи ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, янги бинолар билан таъминланди.

Президентимизнинг «Музей-

лар фаолиятини тубдан яхши-лаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони халқи-миз тарихини тўлақонли акс эт-тирувчи ноёб ашёларни тўплаш, уларни асл ҳолича сақ-лашни таъминлаш, мамлақати-мизда шаклланган музейлар тизимини такомиллаштириш ҳамда жaxon музей-шунослиги тажри-баларини қўллаш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Фармонга кўра Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги ҳузурида ташкил этилган «Ўзбекмузей» жамғар-маси барча турдаги музейлар фаолиятини мувофиқлашти-риб, уларга зарур илмий-услу-бий ёрдам кўрсатмоқда.

Эйтиборли жиҳати, музейлар-да сақланаётган бебаҳо экспо-натларни тарғиб қилишга қаратилган ишлар фаол давом эт-моқда. Масалан, шу йил 18 май — Халқаро музейлар кўни муно-сабати билан «Музейлар — та-рих кўзгуси» мавзусидаги ҳафта-лик доирасида қўллаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказил-ди. Айниқса, бебаҳо музей кол-лекциялари асосида ташкил этилган янги экспозициялар қўллаб ёшларни жалб этди.

Музейлар ҳафталигида эри-шилган ижобий натижалар, тўпланган тажрибалардан келиб чиқиб, ёш авлод онгиди бой та-

рихимизга бўлган ҳурмат ҳисла-рини, аждодларимиз қолдирган бетакор маънавий меросни авайлаб-асраш каби фазилат-ларни шакллантириш мақсади-да 2013 йилнинг ноябр ойида «Музейлар — бой тарихимиз ва бетакор маданиятимиз хазина-сиси» мавзусида музейлар ойлиги ўтказилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирли-ги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилган мазкур лойиҳада ет-мишдан ортиқ ҳаваскорлик ба-дий жамоалари, соҳа мутахас-сислари ва таникли ижодкорлар иштирок этди.

Музейлар ойлиги давомида ёшлар учун турли кўрик-танлов-лар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меморий ва бадий музей-қўриқонасида «Экспонат-ларни таъмирлаш жараёни» мав-зусидаги маҳорат дарслари, Бу-хоро давлат бадий-меморий музей-қўриқонасида «Иктидор-ли ёш рассомлар», Ангрен ша-ҳар ўлкашунослик музейида «Энг яхши савҳатчи», «Энг яхши кўргазма тайёрловчиси», «Энг яхши маърузачи» танловлари, Юнус Ражабий уй-музейида санъат соҳасида таҳсил олаётган талабалар иштирокида «Устоз

ва шогирд» викторинаси ўтқа-зилди.

Музейлар ойлиги доираси-да бир қатор кўчма кўргазма-лар ҳам ташкил этилди. Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейи-нинг Фаргона вилояти бўйлаб ўтказилган «Ўзбекистон мусав-вирлари асарлари», «Қулочли-лик», «Дўппидўзлик санъати», «Қўлёзма ёдгорликлар» кўргаз-малари, Амир Темур номида-ги Шахрисабз шаҳар ҳудудий маданият тарихи музейининг «Ўзбекистон ва Франция мада-ний ҳамкорлиги: консервация ва реставрация жараёни» мавзусидаги фото кўргазмаси қўллаб санъат илҳомландари-ни жамлади.

Президентимиз таъкидла-ганидек, инсон ўзлигини англа-гани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватан-га муҳаббат туйғуси илди-зи отиб, улғай боради. Бу илди-з қанчалик тираб бўлса, туйғули ўсган юртга муҳаббат шу қадар юксак бўлади. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизи-мидаги музейларда олиб бо-рилаётган ишлар ҳам халқи-миз, униб-ўсиб келаётган фар-зандларимизнинг онгу шуури-да инсонийлик фазилатларини қарор топтириш, уларнинг маъ-навий олами кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Дилфуза ҚАРШИБОВА, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ходими

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» 2013 йил, октябр ойи сона

Журналнинг ушбу сониди бо-силган асарлар-нинг аксарияти қар-дош қозоқ адаб-лари каламига те-гишли. Жумладан, таникли адиб Са-тин Муратбеков-нинг «Ултуған» но-ми хикояси (Назира Жўраева таржима-си), Дулат Исбае-ковнинг «Бонапартининг уйланиши» дра-масы (Муҳаммад Хайруллаев таржима-си), «Тул-порларнинг туёқлари зирқира» сарла-вахси остиди машҳур қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг бир туркум шеъри (Икром Отамурод таржима-си), шунингдек, «Мушо-ира» рункида турли авлод вакиллари ижо-дидан танланган шеърлар (Музаффар Аҳмад таржима-си) замонавий қозоқ адабиёти ҳақида яхши тасаввур беради.



Атоқли адиб Собит Муқоновнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган Қулбек Эргобекнинг

«ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ» 2013 йил, 4-сон

«Фанда янги билимни топиш ва аниқ-лаштиришнинг неча минг йиллардан бери маълум бўлган бир қанча усул-лари мавжуд. Ана шундай эвристик ил-мий билишнинг энг муҳим усулларидан бири аналогия... Бу когнитив жараён, шубҳасиз, метафора ҳодисасининг моҳиятини ташкил этади», деб ёзди Низомиддин Маҳмудов «Термин, образ-ли сўз ва метафора» номли тадқиқоти-да. Шунингдек, «Тилшунослик» рункида Нодира Алавутинованин «Аюб Фуло-мовнинг кўплик категориясига оид қарашлари», Ёрқинжон Одиловнинг «Фразеологик энантисемиянинг син-хрон табиати» мақолалари берилган.

Адабиётшунослардан Тўра Мирзаевнинг «Карл Райхсл — ўзбек фольклори тадқиқот-чиси», Охунжон Сафаровнинг «Тазкиралар-да Айни ҳақида маълумотлар», Санобар Тўлағановнинг «Қодирнинг илк устози» ва Йўлдош Солиҳовнинг «Қаҳрамон


«Ёзувчи ижодхонаси» номли китобидан бе-рилган парчалар (Меҳмонкул Исмоқулов таржима-си), Асанали Ашимовнинг «Муҳаб-бат ила — сизнинг Ашимов» китобидан қозоқ адиб ва санъаткорлари ҳақидаги бо-блар, Аширбек Сигаийнинг «Бизга қандай театр керак?» сарлавахали мақоласи қардош қозоқ адабиёти ва маданияти ҳақидаги тасаввуримизни янада бойлатади.

Адабиётшунослар Ш.Сироҷиддинов ва Г.Одилова «Навий сабоқлари»ни давом эттириб, улғў шоирнинг «Улмасун» радифо-ли газалининг инглизча таржимасини таҳ-лидан ўтказишган. Жаҳон адабиёти классикалари М.Асту-риаснинг «Сеньор Президент» ва Ф.Дос-тоевскийнинг «Иблислар» романларининг давомини ҳам журналнинг ушбу сониди ўқийсиз.

Абдулла Шернинг рус шеърияти порлоқ юлдузи М.Лермонтов ҳаёти ва ижодида ба-ғишланган «Юлдузлар суҳбатини тинглаган даҳо» мақоласи, шунингдек, дунёга машҳур адиблар Л.Буссенар, И.Андрич, Ф.Мориак, О.Уайльд, И.Бунин, Э.Мунро, ноёб истеъдод соҳиблари Л.Паворотти, И.Штраус, Н.Паганини ҳақидаги мухта-сар мақолалар журналнинг ушбу сони мундарижасига ранг-баранглик бағишлаган.

Журналларни варақлаганас

портрети ва муал-лиф нутқи» мақола-ларини ўқийсиз. Илмий ахборот характерига чи-қишларда поэма жанрига, таржима асарлар таҳлилга, метафора ва шеър композицияси, мум-тоз адибларимиз Алишер Навоий, Ҳаким Термизий, Бердак, Аҳмад Ясавий ижодлари ва тилшуносликнинг айрим масалалари би-лан боғлиқ турли мавзуларда изланиш-ларга ўрин берилган. Шунингдек, захмат-каш олим Сорохон Отамирзаева илмий фаолияти ёритилган Ҳ.Йўлдошева ва А.Мадвалиевнинг мақоласи, адабиётшу-нослик соҳасига оид янги нашрлар ҳақида маълумотлар билан ҳам журналнинг ушбу сониди танишасиз.



ИККИ САНЪАТСЕВАР ОЛИМ

Тошкент давлат шарқшунослик инсти-тутиди Ўзбекистон давлат консервато-рияси билан ҳамкорликда икки санъат-севар олим — академик Алибек Руста-мов ҳамда филология фанлари доктори Қозоқбой Маҳмудов хотирасига бағиш-ланган «Яхшиларни ёд этиб» деб ном-ланган кеча ўтказилди. Тадбирда Суйи-ма Фаниева, Бахтиёр Каримов, Зокир-жон Орипов, Соибжон Бегматов сўзга

чиқиб, олимларнинг илмий фаолияти, инсоний ҳислатлари ҳақида фикр юри-дилар.

А.Рустамов ва Қ.Маҳмудов атоқ-ли тилшунос бўлиш билан бирга, ўзбек мумтоз куй-қўшиқлари их-лосманди эди. Айниқса, Лutfий, Навоий ва Чустий газаллари асосида яратилган қўшиқларнинг шайдолири бўлишган. Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуджон То-

жибоев олимлар ҳақидаги хотираларни эслаб, А.Рустамов «Муножот» ва «Ушшоқ» ашулаларининг матралари — «Кеча кел-гумдур дебон ул сарви гулрў келмади...», «Қаро кўзум келу мардумлиг эмди фан қилғил» радифоли газаллар-ни теран шарҳлаганини қайд этди. Тадбир якунида йиғилган-лар таникли хофизлар ижросидаги мум-тоз ашулалардан баҳраманд бўлишди.

Хотира

Зухриддин ҒУЛОМОВ

КОНСТИТУЦИЯ — БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунининг 21 йиллиги арафасида мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туманларда учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди. Бу тадбирларда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари фаол иштирок эттишти.

Анджон. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Конституция байрамига бағишлаб, Анджон шаҳридаги Чўлпон номидаги кинотеатр, Асака педагогика коллежи, Анджон туман ҳокимлиги, Анджон иқтисодий коллежи, Олтинқул маданият уйи, Шахрихон академик лицейи, Жалақудуқ агроиқтисодий ҳамда иқтисодий иқтисодий коллежлари, Хўжабод транспорт ҳамда қурилиш касб-хўнара коллежларида бўлиб ўтган ижодий учрашувларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Мухаммад Али, Ўзбекистон халқ шоири Тулган Низом, адаблар Олимжон Холдор, Қамчибек Кенжа, Хуршида, Омина Тожибоева, Фарид Усмонов, профессор Бобоқул Тошев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Хошим Арсонов, Шарофат Тожибоева, Пўлатжон Норматов иштирок этиб, асосий қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар ҳақида фикр юритдилар. Ватанимиз мадд этувчи шеърлар ўқиди, дилрабо кўшиқлар, санъаткорларнинг кичиқлари давргага фойз бағишладилар.

Қашқадарь. Вилоят ҳокимлиги, Ёзувчилар уюшмаси бўлими, Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Қарши давлат университети, Косон туманидаги 67-мактаб,

барчага кўтаринки кайфият улашдилар.

Фарғона. Данғара санъат касб-хўнара коллежи, Тошлоқ туманидаги "Варзак", "Ахшак" ҚФЙларида, Қўқон шаҳридаги "Бунёдкор", "Ғозийлик" МФЙ, Езёнов педагогика коллежи, Қўштепа туманидаги "Йўлдошбод", "Шаҳартепа" ҚФЙ, Учқўприк туманидаги 29-мактаб, Бувайда автотўли коллежи, Олтиариқ туманидаги "Фаровон" МФЙ, Бағдод туманидаги "Ултарма" ҚФЙ Фарғона агросаноат коллежида "Конституция — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг маънавий кафолати" мавзусида ўтказилган маънавий-тарғибот тадбирларида ёзувчи ва шоирлар, олимлар Конституциянинг жамият тараққиётида тугган ўрни, ҳуқуқий саводхонликнинг аҳамияти, мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар моҳияти ҳақида гапирдилар.

Мазкур тадбирлар доирасида Фарғона давлат университетида "Ёшларнинг ҳарбий ватанпарварликка тайёрлашда оиланинг ўрни" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам бўлиб ўтди. Тадбирларда шоирлар Энаҳон Сиддиқова, Исмоил Маҳмуд, Носир Зоҳид, адабиётшунос олимлар Йўлдош Солижонов, Сиддик Мўмин, Дилфуза Йўлдошева иштирок этиб, ижодларидан намуналар ўқидилар.

Навоий. Конституцияимизнинг 21 йиллигига бағишлаб Навоий компютер-санъат коллежи, "Навоийпахтасаноат" худудий бирлашмаси, 2- академик лицей, "Ширин" маданият саройи, "Навоийазот" корхонаси, Навоий халқаро аэропорти, Хатирчи туман марказий шифохонаси ва ҳарбий қисмлар-

даги учрашувлар байрамога руҳда ташкил этилди. Тадбирларда иштирок этган ёзувчи ва шоирлар Ашурнали Жураев, Муҳиддин Омон, Баҳриддин Садриддинов ва бошқалар Конституция асосида қўлга киритилган имкониятлар, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишда ижодкорлар зиммасидаги вазифалар, замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини яратиб, Ватан равнақига дахлдорлик ҳисси билан яшаш ҳақида фикр юритдилар.

Тошкент вилояти. Ангрэн шаҳридаги Ёшлар маркази, Бекобод туманидаги таълим муассасалари ҳамда маҳаллаларда ташкил этилган "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати" мавзусидаги учрашувларда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Ашурнали Боймурод, Ботир Ёрғашев ва бошқалар ўтган йилдан ортиқ вақт мобайнида юртимиз шаҳар ва қишлоқлари қиёфасида, халқимиз ҳаётида рўй берган оламшумул ўзгаришлар ҳақида сўзладилар. Сўхбатлар кизгин мушоирага уланиб кетди.

Бухоро. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, "Миллий тикланиш" партияси кенгаши, Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИХ вилоят кенгаши, Ўрта махсус касб-хўнара таълими бошқармаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, "Хунармад" уюшмаси ҳамкорлигида Бухоро иқтисодий ва банк коллежида "Конституция — маънавиятимизнинг юксак намунаси" мавзусида ёшлар ўртасида акция ташкил этилди. Унда ёшлар, маҳалла фаоллари, шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирок этди. Ш.Аҳмедова, М.Отабой, Ж.Болтаев, Ш.Сулаймон каби олим ва ижодкорлар бош қомусимизнинг ёшлар ҳаётида тугган ўрни ва аҳамияти ҳақида сўзладилар.

Ўйғун РЎЗИЕВ

Қардош халқлар адабиётлари ўртасидаги ўйғун жиҳатларни қиёслаб ўрганадиган компаративистика نامи шу халқлар тараққиётидаги универсал омилларни аниқлаш имконини беради. Қиёсий ўрганиш орқали текшириладиган адабиётлар орасидаги ўйғун ва фарқли хусусиятларнинг генетик илдири аниқланади.

Бунга фақат компаративистик йўл билангина эришиш мумкин. Ўзбек адабиёти жонкуяри, филология фанлари доктори, профессор Олмос Улвининг "Озарбайжон — ўзбек адабий алоқалари" монографияси икки қардош адабиётлар ўртасидаги алоқаларни қиёсий ўрганишга бағишлангани билан қимматлидир.

Олмосхоним илмий фаолиятини ўзбек адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ижоди тарғиботида бағишлаган олими. Унинг шу вақтгача ёзган уч юздан зиёд илмий иши асосан ўзбек адабиёти тўғрисидадир. Олмос Улвининг монографиясида алоҳида эътиборга молик бир жиҳат шундан иборатки, муаллиф ўз қарашларини тайин этишда тарихийлик тамойилига қатъий амал қилади. Чунончи, ўзбек ва озар халқлари тарихидаги кўп воқеа-ҳодисалар шўро мафқураси томонидан атай сохташтилганини ҳисобга олган олима ўз қарашларини ҳақиқий ҳолатга мувофиқ равишда илгари суришга эришади. Бу ҳол "Ўзбек" ва "чиғатой", "жадидчилик" ва "жа-

дид адабиёти" атамалари, ўзбек драматургиясининг юзага келиши ва тараққиётида озар сахна адабиётининг ўрнини изоҳлашда яққол кўзга ташланади. Жумладан: "Хўқоя ва роман Туркистон адабий

даврдан ҳозиргача бўлган универсал конуниятларини аниқлашга қаратилган билан қимматли эканини қайд этади. Шунингдек, китобда туркий халқлар орасида кенг тарқалган "Гўрўғли", "Алпомиш", "Ошк Фариб ва Шоҳсанам" дostonлари ҳамда Насриддин афанди латифаларининг жанр хусусиятлари, ифода тарзи ва гоёвий йўналишларидаги универсал жиҳатларнинг илдири ишонарли кўрсатиб берилган.

Олима озар ва ўзбек халқлари-

га хос руҳий хусусиятларнинг юзага келишида айрича аҳамият касб этганини, ўзбек тили тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, унинг ифода қудратини оширганини асослаб кўрсатиб беради.

О.Улви туркий халқларнинг муштарак адабий мероси санъалими "Китоби дадам Кўрқут", "Қутадғу билли", "Девони луготит турк" асарларини кўплаб оғзаки ва ёзма адабиёт намуналарининг юзага кели-

шига манбагина эмас, балки туркий миллатларнинг маданияти ва тиллари қарор топишида асос бўлган, бу халқлар бадиий-эстетик тафаккур йўсинини белгилаб берган манбалар эканлигини таъкидлайди.

Монографияда озар — ўзбек мумтоз адабиётидаги универсал ва фарқли хусусиятларга бағишланган илмий тадқиқотларга ҳам муносабат билдирилган. Туркий тилининг адабий тил ўлароқ шаклланишида, унинг бадиий ифода имкониятлари ошишида Алишер Навоийнинг тарихий хизматларини далиллар воситасида таъкидлайди. Олима даҳо шоир асарларининг мангу таъсирчанлиги сабабларини улардаги умуминсоний маъно-мазмун ҳамда ифода оригиналиги билан изоҳлайди.

Монография муаллифи ўз кузатишларида Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши озарбайжон адабиётига эмас, балки адабиётшунослиги тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатганини қайд этади: "Алишер Навоий адабий меросининг татқиқ ва таъсир озарбайжон адабиётшунослиги тараққиётининг барча босқичларида унинг диққат марказида бўлди. Бу омил ўз-ўзидан ёлғиз озар адабиётга эмас, айни замонда озарбайжон адабиёттанувчилиги ривожига ҳам кучли таъсир кўрсатиб, унга янги сифатлар бахш этмоқда".

Олмосхоним ўзбек адабиётининг драма жанри ва миллий театр шаклланишида озарбайжон драматургияси ҳамда театри кўрсатган таъсирни илмий-тарихий далилларга таянган ҳолда ишонарли очиб беради. Дарҳақиқат, М.Охундов, Н.Вазиров, Х.Жовид сингари драматурглар-

нинг асарлари ўзбек адабиётида драма жанрининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани сир эмас. Китобда Чўлпон, Халима Носирова сингари машҳур ўзбек

ижодкор ва санъаткорлари Боқуда таҳсил кўргани, озарбайжон ва ўзбек театри ҳамда драматургиясидаги ўзаро алоқалар давтам аср мобайнида узлуксиз давом этгани ҳақида кизиқарли маълумотлар келтирилади. С.Вурғун, Б.Ваҳобзода, Х.Ризо, Ф.Фулум, М.Шайхзода сингари атоқли шоирларнинг ўзаро яқин муносабатлари, асарларидаги ўхшаш жиҳатлари қиёслаган ҳолда олима собиқ совет даврида ҳам икки қардош халқ ўртасидаги адабий алоқалар тўхтаб қолмаганини таъкидлайди.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришганидан сўнг озарбайжон — ўзбек адабий алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани китобда атрофлича кўрсатилган. Эндиликда икки мустақил халқ адабиётлари ўртасидаги алоқанинг янада мустаҳкамланиши учун барча ижтимоий-иқтисодий омиллар мавжудлиги таъкидланган.

Кўплаб ибратли жиҳатлари билан эътиборга молик ушбу монографиядаги бир ёндашувга доир мулоҳазани айтиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Муаллиф китобнинг девяри барча ўрнларида, ҳатто асар номида ҳам "Ўзбек" атамаси ёндош тарзда қавс ичида "чиғатой" атамасини қўлайди. Ваҳоланки, ўзбек адабиёти тарихида чиғатой даври дейилганда фақат XIII-XVI асрлар назарда тутилади. Ҳам қадим фольклор намуналари, ҳам мумтоз адабиёт, ҳам бугунги ўзбек адабиётига нисбатан бу атамани аралаш қўллаш илмийлик ва тарихийлик жиҳатидан ўзини оқламайди.

Хуллас, озарбайжонлик олима Олмос Улвининг икки қардош адабиёт хусусиятлари қиёсий ўрганилган "Озарбайжон — ўзбек адабий алоқалари" китоби қардош халқлар адабий алоқаларининг илдири, моҳияти, тарихи ва истиқболни кўрсатиб беришга қаратилган жиддий илмий тадқиқот сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Сирдарёхон УТАНОВА

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

оламига Россия адабиёти орқали эмас, балки Туркия, Озарбайжон, татар адабиётларининг таъсири ила кириб келди", деб ёзади.

Монографияда озарбайжон ва ўзбек олимлари томонидан мазкур йўналишда амалга оширилган девяри барча илмий ишлар қамраб олинган, улардаги жиддий фикр-мулоҳазаларга муносабат билдирилган. Жумладан, муаллиф йирик фольклоршунос олим академик Озод Набиёвнинг "Озарбайжон — ўзбек фольклор алоқалари" китоби икки қардош халқ оғзаки ижодининг илк

нинг тарихий-маданий ҳаёти ҳақида ёрқин тасаввур берадиган эпосларни татқиқ этаркан, "Алпомиш" достонининг ўзбек ва озарбайжон версияларидаги умумий ва ўхшаш жиҳатларни текшириш асосида қардош халқларнинг география ўрнашуви ва турмуш тарзидаги ўзига хослик натижасида юзага келган фарқли жиҳатларга ҳам тўхталади. Мазкур асарларнинг ҳар бир халқ эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрнини таъкидлаш асосида ўзбек "Алпомиш"и ўзбек миллати-

шига манбагина эмас, балки туркий миллатларнинг маданияти ва тиллари қарор топишида асос бўлган, бу халқлар бадиий-эстетик тафаккур йўсинини белгилаб берган манбалар эканлигини таъкидлайди.

Монографияда озар — ўзбек мумтоз адабиётидаги универсал ва фарқли хусусиятларга бағишланган илмий тадқиқотларга ҳам муносабат билдирилган. Туркий тилининг адабий тил ўлароқ шаклланишида, унинг бадиий ифода имкониятлари ошишида Алишер Навоийнинг тарихий хизматларини далиллар воситасида таъкидлайди. Олима даҳо шоир асарларининг мангу таъсирчанлиги сабабларини улардаги умуминсоний маъно-мазмун ҳамда ифода оригиналиги билан изоҳлайди.

Монография муаллифи ўз кузатишларида Алишер Навоий ижодининг ўрганилиши озарбайжон адабиётига эмас, балки адабиётшунослиги тараққиётига ҳам жиддий таъсир кўрсатганини қайд этади: "Алишер Навоий адабий меросининг татқиқ ва таъсир озарбайжон адабиётшунослиги тараққиётининг барча босқичларида унинг диққат марказида бўлди. Бу омил ўз-ўзидан ёлғиз озар адабиётга эмас, айни замонда озарбайжон адабиёттанувчилиги ривожига ҳам кучли таъсир кўрсатиб, унга янги сифатлар бахш этмоқда".

Олмосхоним ўзбек адабиётининг драма жанри ва миллий театр шаклланишида озарбайжон драматургияси ҳамда театри кўрсатган таъсирни илмий-тарихий далилларга таянган ҳолда ишонарли очиб беради. Дарҳақиқат, М.Охундов, Н.Вазиров, Х.Жовид сингари драматурглар-

ДУНЁ — КЕНГ

БЕРМУД УЧБУРЧАГИНИНГ СИРИ

Бермуд учбурчагига доир жумбоқларни В.И.Вернадский номидаги Геохимия ва аналитик кимё институти директори, академик Э.Галимов куйидагича шарҳлайди:

— XX асрнинг 40 — 50-йилларида Атлантика уммонида кемалар ва самолётлар сирли равишда йўқолган жойини "Бермуд учбурчаги" деб аташ урфга айланган. 1945 йилнинг 5 декабрида АКШ ҳарбий денгиз базасидан ҳавога кўтарилган бешта "Эвенжир" бомбардимончи самолёти исзис йўқолгани ана шу жумбоққа далил сифатида қўп тилга олинади.

Гап шундаки, Бермуд учбурчаги — уммон тубида метан ва газогидрат тарзида йиғилиб қолган худуд. Улкан босим остида сув таркибидидаги газ ўз хусусиятини ўзгартириб қорға бўлшаш қаттиқ модда — газогидратга айланади. Харорат ва босимнинг муайян нисбатларидидага газогидрат барқарор туради. Харорат кўтарилиши билан газ ҳолатига келадиган катта миқдордаги метан газогидрати уммон тубидан атмосферага отилиб чиқади.

Айнан Бермуд учбурчаги мавжуд худудлардан бирида газогидратлар ҳосил бўлиши учун қулай шарт-шароит бор. Вақти-вақти билан сув қатламлари орасидан юқорига ўрлаб турадиган метан газогидрат ҳодисаларга сабаб бўлади.

Биринчидан, бундай ҳол юз берганда сув кўпикланади. Мабодо кема сузиб келаётган бўлса, шу жойга етганда сузишга имкони қолмай қўчиб кетади. Иккинчидан, юқорига кўтарилаётган пуфакчаларнинг инфратовуш тезлигидаги тебранма ҳаракатидан юзага келадиган шовқин одам асабига кучли таъсир қилиб, ваҳима кўзгайди. Эҳтимол, кемалар саҳнини одамларнинг сирли тарзда тарқатишгани ҳақидаги ривоятлар шу сабабли пайдо бўлгандир. Учинчидан, миллиардлаб пуфакчаларнинг бир-бирига ишқаланиши электр майдони ҳосил қилиб, муайян бир худудда Ернинг магнит майдонини ўзгартириб юборади. Бундай шароитда самолётлар манзилини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Бу ҳақида бошқа тахминлар ҳам бор. Ер физикаси институти лаборатория мудири М.Гохбергнинг фикрича, "Бу худудда нуқолай об-ҳаво шароитлари тез-тез юз бериб туради: "Катрина" каби кучли тўфонлар ҳам шу жойда пайдо бўлади. Бундан ташқари, кўплаб транспорт йўллари ҳам айни шу манзилда кесишади. Фалокатларнинг аксарияти шу билан изоҳланади. Бу борада бошқа ғайритабиий куч йўқ".

ТУТАНХАМОН КАВКАЗЛИК БЎЛГАНМИ?

Мисрлик олимлар фиръавн Тутанхамон жасади ДНК молекулаларидан бир қисминини Цюрихда жойлашган генеалогик тадқиқотлар маркази биологларига тақдим этишти. Мутахассислар фиръавн ДНКларини ҳозирги европаликларнинг генетик материаллари билан қиёслаб, ҳайратга тушишти: зеро европалик эркаклардан девяри ярми қайсидир маънода фиръавнга "қариндош" бўлиб чиқди. Буюз Британия, Испания ва Франция аҳолисининг 60-70 фоизи Тутанхамонга ўхшаркан. Авлоддан авлодга девяри ўзгармасдан ўтадиган ДНК молекулалари йиғиндисига ҳос гуруҳлар бўйича таққобланганда ҳам шундай натижа олинди.

Ҳаттоки, бундай хусусиятлар ҳозирги мисрликлар орасида қандам-қандам ҳоллардагина учрайди. Улар орасида фиръавнга "қариндош"лар салмоғи бир фоиздан ҳам ошмас экан. Ушбу далилларга таянган ҳолда iGENEA генеалогик тадқиқотлар маркази директори Р.Шольц Тутанхамон генетик жиҳатдан европалик, деган хулосага келди. Унинг фикрича, мисрлик подшоҳлар ва европаликларнинг умумий бобокалонлари 9500 йил муқаддам Кавказда яшашган, 7 минг йил аввал эса, уларнинг авлодлари Европага ёйилган. Кавказликлар орасидан кимдир Мисрда қадар етиб бориб, фиръавн мавқега эришган бўлиши мумкин. Шунга қура Тутанхамоннинг аждодлари, унинг ўзи ҳам грузин, осетин, агар ёки чечен каби кавказлик миллатларга мансуб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Компютер ва кўз нури

— Компютерда кунига икки соатдан ортиқ ишлаш кўриш қобилиятига салбий таъсир этади, — дейди доктор С.Агакин. — Олти соат ва ундан ортиқ ишлаш эса, қўзда қичиш, ачишиш, қизариш, ёш оқиб ҳолатларини келтириб чиқаради. Кўз шифокорлари бу ҳолни "кўрүк кўз синдроми", деб аташади.

Мониторнинг олачалоқ шуъаланиши, равшанлик ва қарам-қаршилик каби кўзга таъсирларини қамайтириш мумкин. Бунинг учун компютер янги ва яхши техник табиифларга эга бўлишига, ёруғлик чап томондан тушишига, клавиатура устида ишлаётганда тирасаклар стол устида туришига эътибор бериш керак. Томчилар — сунъий кўз ёш ҳосил қилиш "кўзнинг қуруқлашуви" белгиларини қамайтиради. Кўзойнак билан ишлаш ҳам кўзнинг зўриқиши олдини олади. Кўриш даражасидаги ўзгаришларни назорат қилиш учун мунтазам кўз шифокорига кўриниб туриш зарур.

Интернет хабарларидан.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Қобил МИРЗОнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Лола Элтоевага онаси

Мавжуда АБДУЛЛАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати маъмурияти жамоаси мактаб-интернат мусика бўлими раҳбари

Баҳодир ЗИЯМУХАМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССАСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: "МАЪНУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилик кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: uzas@exat.uz
Котибият — 233-49-93

Талқин ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Ташқириятга келган қўғазмалар таҳрир этилмайди ва муаллифларга қайтариб берилмайди. Муаллифлар фақат таҳририят нурати назаридан фарқлашни мумкин.

Масъул котиб — **Асрор СУЛАЙМОНОВ**
Навбатчи муҳаррир — **Санжар ТУРСУНОВ**
Саҳифачилик — **Элёр МАХМУДОВ**

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциддорлик компанияси босмаҳонаси.
Военкоза манзил: Ўзбек Турон кўчаси, 41-ў

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 24.48

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-634X

722181634000

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4214. Буюртма Г — 1244. Ҳаққини — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5